

Ислом КАРИМОВ:

ИНСОН ШАХСИНИ, УНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ХАМДА ТАРИХИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗГА ХУРМАТ-ЭЪТИБОР, МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗГА МЕХР-МУХАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТАЛАБЛАРИ ОЛДИМИЗГА МУҲИМ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА.




O'ZBEKISTON VOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ □ 20 ИЮНЬ □ СЕШАНБА
№ 70 (26620)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) президенти Кимио Фужитани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистоннинг Япония ҳукумати, ишбилармон доиралари, хусусан, ЈСА сингари йирик ташкилотлари билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният ихдор этди.

ЈСА 1974 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг молиявий ва техникавий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шунингдек, Япония ҳукумати номидан давлатлараро техникавий дастурларни амалга оширишга ҳолис ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий тараққиётига кўмаклашиш агентлик фаолиятига ҳосил. ЈСА 25 йилдан буён жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан узвий алоқада. Шунингдек, юртимиздаги янгиланишларда ҳам фаол қатнашмоқда. Мисол сифатида агентлик томонидан Ўзбекистондаги тиббиёт муассасалари учун бир неча миллиард япон иени миқдордаги грантлар берилганини келтириш мумкин.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

(ЎЗА)
Суратда: қабул пайти.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ЯНА 10 МИНГ ТОННА

Хоразмлик деҳқонлар мамлакатда биринчи бўлиб давлат шартнома режасини бажардилар. Урим-йғим икки ҳафтада поёнига етказилди. Айрим бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 70-80 центнерга етди. Богот, Шовот, Хива ва Ҳонқа туманларида айниқса хирмон заворли бўлди. Қолган ҳосилни йиғиштириш давом этмоқда. Хоразмлик деҳқонлар яна давлатга 10 минг тонна бугдой топшириш, кейинги мавсум учун 4 минг тонна сара уруғ жамғариш ниятидандир.

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

4697 ТОННА

сара бугдой етиштирган Конимех тумани галлакорлари нафақат Навоий вилоятида, балки республикада биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажардилар. Конимехликлар деҳқончилик қилган 2400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 43 центнердан ҳосил кўтардилар. Эришилган галабага Ҳамид Олимжон номи, «Шўркўл», «Чордара» ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Галлакорлар гектарлар ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишмоқчи, дея хабар беради мухбиримиз Музаффар ШАРОПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 20 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юртин, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага nisbatan қиймати қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	152,57
1 Австрия шиллинги	17,43
1 Англия фунт стерлинги	379,23
10 Бельгия франки	59,44
1 Голландия гульдени	108,81
10 Греция драхмаси	7,13
1 Дания кронаси	32,16
1 БАА дирхами	68,32
1 АҚШ доллари	250,93
1 Миср фунти	72,52
10 Италия песети	14,41
100 Италия лираси	12,38
1 Канада доллари	170,19
1 Хитой юани	30,32
10 Люксембург франки	59,44
1 Малайзия ринггити	66,05
1 Германия маркиси	122,60
1 Польша злотийси	56,84
1 СДР	334,15
1000 Туркия лираси	0,41
1 Финляндия маркиси	40,33
1 Франция франки	36,56
1 Швейцария франки	153,63
1 ЕВРО	239,79
10 Жанубий Корея вон	2,25
10 Япония иенаси	23,62
1 Россия рубли	8,88
1 Украина гривнаси	46,14

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни уйиб қийматда сотин ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

■ **Жонузоқ ИБРОҲИМОВ**

ЙИЛ ОЙ КУН

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИК

Вашингтонда АҚШ Давлат департаменти ташкил этган Марказий Осиёда терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман ишида Ўзбекистон, Қозғоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, шунингдек, Россия, Испания, Миср делегациялари иштирок этидилар. Унинг ишини Буюк Британия, Туркия делегациялари ҳамда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби Ян Кубиш кузатдилар.

Йиғилганларни терроризмга қарши курашиш масалалари бўйича АҚШ маъмуриятининг мувофиқлаштирувчиси Майкл Шихан қўтлади. Сўзга чиққанларнинг маърузаларида Марказий Осиёда террористик ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти сезиларли даражада фаоллашгани таъкидланди. Билдирилган фикрлар АҚШ Давлат департаментининг халқаро терроризм фаолиятининг маркази Яқин Шарқдан Жанубий ва Марказий Осиё минтақаларига кўчаётгани тўғрисидаги ҳисоботига мос келди.

Мутахассислар фикрича, минтақадаги террористик фаолиятнинг кучайиши сабабларидан бири — бу давом этаётган афғон муаммоси ҳамда мамлакатда наркотик моддаларнинг ноқонуний транзити, қурол контрабандаси ва трансмиллий жиноятчиликнинг базаси бўлиб қолганидир. Делегация вакиллари террор ва зуравонлик ҳаракатларининг олдини олишда олиб борилаётган тажрибалари билан алмашилдилар.

Анжуманда тегишли идораларнинг ўзаро алоқалари ҳамда давлатлараро даражада терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Халқаро терроризм глобаллашган бир пайтда бутун халқаро ҳамжамият бу нуқсонга қарши курашишда жипслашиши лозимлиги таъкидланди. Бу муаммонинг муҳокама этилиши халқаро терроризм ҳаракатларига қарши курашишдан манфаатдор давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик амалларини ишлаб чиқишга чорлайди.

■ **Б. МАМАЖОНОВ,**
«Жаҳон» АА, Вашингтон

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КЎПАЙМОҚДА

Безгак туфайли йил бошидан буён Анголада 238 киши ҳаётдан кўз юмди. Айни пайтда 17 минг киши бу дардга чалинган. 25 йилдан буён фуқаролар уруши давом этиб келаётган Анголада сув тармоқлари ишламаслиги, ичимлик сувнинг талабга умуман жавоб бермаслиги ва шаҳару қишлоқлар ҳалдан зиёд ифлослангани юқумли касаллик келиб чиқиши ва тез тарқалишига сабаб бўлмоқда.

ҚУРОЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Франция пойтахти атрофидаги Ле-Бурже шаҳарчасида «Евросатори-2000» халқаро қурол-яроғ кўргазмаси очилди. Унда 39 мамлакатдан 820 фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Кўргазма Франция мудоффа вазирига ташаббуси билан ташкил этилган.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

Покистон ва Шри-Ланка ҳарбий соҳада ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганмоқда. Чунончи, 20 июнь куни Шри-Ланканинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондони Сирилла Вирасуриини Покистонга ташрифи бошланади. Ташриф чоғида Покистондан Шри-Ланкага қурол-яроғ етказиб бериш масаласи муҳокама қилинади.

Майлумотларга кўра, Покистон Шри-Ланка армиясига ўқотар қурол ва миномёт етказиб берадиган асосий мамлакат ҳисобланади.

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Анкарада Туркия билан Хитой ўртасида темир йўл соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Ҳужжатга кўра, Хитой томони Туркиядаги учта темир йўлни қуриш, таъмирлаш ва техникавий жиҳозлашда иштирок этади.

■ (ЎЗА)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА!

Қадри дўстлар!
Галлачиликда эришган катта меҳнат галабангиз — давлатга 40 минг тоннадан зиёд дон сотиб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб муваффақиятли бажарганингиз билан чип қалбимдан самимий табриклаймиз.
Сизлар мураккаб иқлим ва ер шароитига қарамадан вилоят бўйича ҳар гектар майдондан 44 центнердан ҳосил олиб, ўз ишингизнинг чинакам устаси, Хоразм

деҳқончилик мактабининг ҳақиқий ворислари эканлигини яна бир бор намён этдингиз.
Қўнғилида она-Ватанига ва халқига муҳаббат туйғуси жўш урган, бунёдкорликни ҳаёт мазмуни деб билган меҳнатсевар инсонларини шундай улўвор ишларга қодир бўлади.
Хоразм вилоятининг лафзи ҳалол меҳнат аҳли давлатга яна қўшимча 10 минг тонна бугдой сотиб, умумий галла хирмони

нани эса 80 минг тоннага етказишга қарор қилгани барчамизни қувонтиради. Сиз, аёз хоразмликлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришасизлар, Ватанимиз равнақи, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман. Заҳматкаш кўлларингиз асло дард кўрмасин.
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАШҚАДАРЁДАН ТЎРТ ХАБАР

МЕХР ОҚА БОШЛАДИ

1938 йилда Китоб туманидаги Жовли Турдиев номли хўжаликнинг Бектемир қишлоғига сув келтираётган канални «Янги замон» деб атаганлар.
Каналдан бир ярим мингта яқин хонадонларнинг томорқаси ва минг гектар экин майдони сугорилган. 1984 йилда айрим амалдорларнинг кўрсатмаси билан канал кўмдириб ташланди.
Қишлоқ аҳли турли ташкилотларга мурожаат қилди. Аммо масала ҳал бўлмади. Шундан сўнг мамлакатимиз Президентидан наҳот сўрадилар.
Каналнинг эски ўзанидан ўтказиш юзасидан лойиҳа тайёрланди, бюджетдан 4,5 миллион сўм маблағ ажратилди.
Хуллас, каналдан яна сув оқа бошлади. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг элимизга бўлган меҳри ҳар бир хонадонга оқиб кирди.

«ОЛТИН МЕВА» ОЛТИНЛАРИ

Қарши туманидаги «Қарши» деҳқончилик фирмаси ҳузурда тузилган «Олтин мева» шўба корхонасига Швейцариядан келтирилган 1 миллион 200 минг АҚШ долларига сотиб олинган янги ускуналар ўрнатилди. Бу ускуналар бир мавсумда камида 5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайди.

ОЛТИ ЁШЛИ БОЛАЛАР ТЕСТ СИНОВИДА

Қарши шаҳар халқ таълими бўлими марказий шифохона шифокорлари билан ҳамкорликда 6 ёшли болаларни тест синовидан ўтказишмоқда. Ҳозиргача 25 мактабда тест синовлари ўтказилиб, уларда 300 дан ортиқ болалар иштирок этди. Синовдан ўтган болалар бу йил биринчи синфларга ўқишга қабул қилинади.

ОЛИМЛАР ОЛАМИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг профессори Рустам Сулаймонов раҳбарлигидаги илмий экспедицияси азозлари Қашқадарёдаги қадимий Ерқўрғон харобаларини қазини давомидида топилган айрим экспонатларни вилоят ўлкани ўрганиш музейига тўғриқ қилишди. Улар орасида эрмиздан олдинги VII-VI асрларда ясалган сопол буюмлари ҳам бор.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ТИКО» КИМГА НАСИБ ҚИЛАДИ?

Бухоро вилоят «Агромашсервис» ҳиссалдорлик жамияти ҳамда агроинженер мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитаси галла ўрим-йғимни голибларини рағбатлантириш мақсадида «Тико» енгил машинасини бош соврин қилиб белгилади. Хўш, у кимга насиб этади? Қўшма қарорда таъкидланишича, жорий йил галла ўрим-йғими мавсумида ҳар гектар майдондан камида 45 центнердан ҳосил олишга эришган ҳамда энг кўп майдондан ҳосилни ўриб, саранжомлаган «Кейс-2166» комбайни оператори ушбу соврин голиби саналади.
Айни кунларда вилоят галлазорларида 200 га яқин комбайн унум билан ишлаяпти. 300 минг тонна галла етиштиришга аҳд қилган миришкорлар мавсумини тезроқ якунлаш, таъсис этилган қимматбаҳо мукофотлар эгаси бўлиш учун вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилаёттилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ

«ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси республика Гидрометеорология бош бошқармаси билан ҳамкорликда Умумжаҳон қурғоқчилик ва худудларнинг чўлга айланishiга қарши курашиш кунига бағишлаб давра суҳбати ўтказди. Экология ва саломатлик кунлари доирасида ўтказилган ушбу талбирда Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақалари учун долзарб бўлган тупроқнинг чўлланиш ва ифлосланиш муаммолари, унинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида фикр юритилди, тавсияномалар ишлаб чиқилди.

■ **Шухрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

